



БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ

САМАРҚАНД 1992

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ОЛИИ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ
ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистон олимлари тар-
жиман ҳолида лавҳалар.

Ботирхон ВАЛИХУЖАЕВ

(Ҳаёти, илмий — мураббийлик фаолияти ва асарлари
КЎРСАТКИЧИ)

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари
доктори, профессор —

**Н. Ш. ШУКУРОВ,
Қ. Т. ТОҲИРОВ**

Муҳаррир: доц.

Тақризчи:
Филология фанлари доктори —
Ш. К. ХОЛМАТОВ.

Самарқанд 1992

Тузувчилар:

**Ш. С. СИРОЖИДДИНОВ,
Д. И. САЛОҲИДДИНОВА,
Э. МУСУРМОНОВ.**

Жумҳурият илмий — адабий жамоатчилиги таъиқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунуни ўзбек классик адабиёти кафедрасининг мудир, профессор **ВАЛИХЎЖАЕВ БОТИРХОН НАБИРАХЎЖАЕВИЧ**нинг туғилган кунига 60 йил ва илмий — мураббийлик фаолиятига 40 йил тўлишини кенг нишонламоқда.

Шарқ мумтоз адабиётининг донишманди, йирик навойшунос, камтарин инсон ва мураббийнинг қутлуг тўйига, унинг адабиётшунослик фанини ривожлантиришдаги катта хизматларига юксак эҳтиром рамзи сифатида мазмунли ҳаёт йўли, ибратли илмий — мураббийлик ва жамоатчилик фаолияти ҳақида маълумот берувчи ушбу камтарона кўрсаткични олимнинг азиз мухлисларига тақдим этиш лозим кўрилди.

НУРЛИ ЧУҚҚИЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА...

Мўсафид Самарқанднинг кўркем Регистон майдони тумонат одам билан гавжум. Ҳамма ўз ташвиш-тараддуллари билан банд... Фақат Чорсу савдо растасининг ташқи қиёфасида вазмиелик ҳукмрон. У «Шердор» мадрасасининг ўзига ёндош ложувард деворлари-га нималарнидир уқтираётгандай... Инсон кафти чизиқлари мисол турли томонларга — нуловчи йўллар Регистонга келиб бирлашади. Гўё ягона оқим—бош йўл вужудга келади. Жумбоқли тарихнинг шоҳиди бу қадим йўллардан не-не закийлар ўтишмаган дейсиз? Ҳа, уларда соҳибқирон Амир Темур, буюк алломалардан Улуғбек Мирзо, Қозизода Румий, Али Қўшчи, Аълоий Шоний, Фазлуллоҳ Абуллайсий, Абдураҳмон Жомий, Хожак Аҳрори Валий, Алишер Навоий, Шайхим Сухайлий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари минглаб улуг инсонларнинг муборак қадамлари муҳрланган. Ер юзининг сайқали — нуроний ва навқирон Самарқанднинг қумуш сийнаси гул гулчасини эслатади. Очганинг сари сирлар хазинаси қалашиб келади. Тарих даракчиси—Регистонга уланадиган шарқона расталар, йўлақлар бағрида ҳам буюк аждоқларимизнинг табаррук ҳоки пойи қолган. Гавжум Самарқанд Регистонининг мағрибиди мўъжазгина тамошоҳона жойлашган. У Ҳазрат Алишер Навоий номи билан юритилади. Тамошоҳонадан шимолий-ғарбга қараб юрилса, қадимий Самарқанднинг Алишер Навоий йигит ёшида юрган йўлақлари бошланади. Дарвоқе, ана шу расталардан айни балоғат ёшидаги хушсурат Алишер ҳам юрганлар, фақеҳ Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг табаррук хонадонига қадам ранжида этганлар...

Шилдираб сув оқётган ариқ ёқалаб ётқизилган равон йўлдан баланд қоматли, озғинроқ, ўйчан, нигоҳлари дилкаш ва самимий бир киши жадал юриб келмоқда. Унинг кийиниши одми. Ташқи кўриниши ортиқча салобатдан холи. Юзма-юз келган одамлар билан муомаласида табиий назокат мукассам. Сунъийликдан холи хоксорона рафторигина уни бошқа йўловчилардан ажратиб кўрсатади. Ҳамиша чуқур хаёл оғушида юрадиган, нигоҳлари зийрак бу инсон ҳозир нималар ҳақида ўйлаётган экан?! Кўп сонли шогирдларига Алишер Навоий ҳақида айтадиган сабоқи хусусида-ми? Эҳтимол, у улуг ўзбек шоири ижодиётига доир номзодлик рисоласига нуқта қўйган навбатдаги шогирди тақдир устида бош қўтираётгандир! Вилоят, дорилфунун, кафедра, умуман маданий-адабий ҳаётга доир ташвишлар камми?! Кичкина бўлсада, тоза гапи бор бўлган илмий мақола ёзиб, уни талабчан ўқувчилар имтиҳонидан ўтказишнинг ўзи бўлади-ми? Наҳрга ҳозирланиши лозим матнлар, янги мақола ва рисоалар, тақриз ва дарслар, суҳбат ва нутқлар... Буларнинг барчаси фикрлашни, хаёл суриш, тафаккур қилишни тақозо этади. Ҳар бир ижодкор, олим ва санъаткорнинг изланиш-